

“Темур тузуклари билимдони” танловининг республика босқичида

Адолат ва ҳақиқат тарозибони бўлиш соҳибқирон Амир Темурнинг номини оламга ёйгани, унинг ҳарб илмида донг қозонганини биламиз. Унинг ҳаёти ва ҳарбий фаолияти билан боғлиқ жуда кўп маълумотларни билишга интилиш ҳам тарихимизга меҳр ҳисси билан боғлиқ. Шундай экан, ўтказиладиган танловларда ана шу жиҳатларга эътибор қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгashiда “Темур тузуклари билимдони” танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда танловнинг ҳудудий босқичларида ғолибликни қўлга киритган, Амир Темурнинг шоҳ асари бўлган “Темур тузуклари” китобини синчковлик билан ўқиган ва уққан 14 нафар ёш ҳарбий хизматчи ўзаро мусобақага киришишди. Мазкур босқичда қатнашчилар “Амир Темур ва бугунги замон”, “Амир Темурнинг ҳарбий сабоқлари” ҳамда “Амир Темур ўгитлари билимдони” каби шартлар юзасидан қизғин баҳс олиб боришли.

Ушбу танлов бир нечта нуфузли ташкилотлар томонидан ташкил этилди. Натижаларга кўра “Темур тузуклари билимдони” танловининг республика босқичида мутлақ ғолибликни Тошкент шаҳридан Ички ишлар вазирлиги академияси курсанти Лочинбек Ҳамроқулов қўлга киритди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилоят Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходими катта лейтенант Фаррухжон Абдурахмонов 2-ўринни эгаллаган бўлса, 3-ўринга Тошкент вилоятидан Миллий гвардияга қарашли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси оддий аскар Содик Отабоев сазовор бўлди. Танловда ҳар бир иштирокчи соҳибқирон Амир Темур ўгитларини пухта ўзлаштирганлиги, ҳарбий сабоқларини чуқур англаганлигини берилган жавоблар орқали кўрсатишли.

Ғолиблар ва совриндорлар диплом, сертификат ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. “Темур тузуклари билимдони” деган эътирофга сазовор бўлиш нафақат қувонч, фахр бағишлиайди. Бу ўз навбатида касбига бўлган масъулиятини ҳам янада оширади.

Энг муҳими, ушбу танловнинг холисона ва одиллик билан ўтказилишида ҳакамлар ҳайъатининг раиси сифатида институтимизнинг “Гуманитар фанлар” кафедраси мудири т.ф.д., профессор Шоҳистахон Ўлжаева ва мазкур кафедранинг ўқитувчиси Шермуҳаммад Эрназаровларнинг роли катта бўлганини таъкидлаш ўринлидир.



“ГИМ” факультети “Гуманитар фанлар” фанлар кафедраси ўқитувчиси Баҳриддин Муқимов
ахбороти
Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов